

Расулulloҳ сизни бир бор кўрсайдим... (биринчи мақола)



14:30 / 29.10.2019 3992

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

يَدُّلَاوَبَلَّاقٌ مَلَسُوهُ لَعَلَّ لَعَلَّ لَعَلَّ وَسِرْرَنَعٍ هَلَلَايَضَرَّةَ رِيَّهَبِ أَعْنَ
هَلَلَبَحَّ أَيْ نَارِي نَأَلُّ مَثَّ نَارِي أَلْوَمُؤِي مَكْدَحَ أَلَعَّ نَيَّتْ أَيْ لَدَيَّ فِدْمُحُمُ سَفَن
مَلَسُمُ هَأَوْرٍ مَعَمَ هَلَامُ وَهَلَاهُ نَمُ

«Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: шундай дедилар:
«Муҳаммаднинг жони қўлида бўлган Зотга қасамки, баъзиларингизга шундай кун келадики, мени кўра олмайди, сўнг мени кўриш унинг учун аҳли ва молидан ҳам суюкли бўлиб қолади».

Имом Муслим ривояти

Бугун бизларга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қасам ичиб айтган кунлари келди. У зотни бир лаҳза ҳам кўра олмадик. Лекин, сўзларининг иккинчи қисми ҳақида бир ўйлаб кўрайликчи? Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни кўришга қанчалар муштоқмиз? Бунинг учун нималар қилишимиз лозим? Бунинг шартлари нима? Шу ҳақида фикр юритганмизми?

Инсон кимни кўргиси келади?! Албатта, яхши кўрган инсонини.

Мусаннадан ривоят қилинади:

هذه نسمة في هلاله محرم أحمام إله لاق:

هذه نسمة في هلاله محرم أحمام إله لاق، يَنْتُمْ لَإِنْ تَدَّح
هَذَا نَسْمَةٌ فِي هَلَالِهِ مَحْرَمٍ أَحْمَامٍ إِلَهٍ لَأَقْ، "لَوْ قِيَّ اسْنَانُ عَمَسَ لَأَقْ، يَنْتُمْ لَإِنْ تَدَّح
هَذَا نَسْمَةٌ فِي هَلَالِهِ مَحْرَمٍ أَحْمَامٍ إِلَهٍ لَأَقْ، "لَوْ قِيَّ اسْنَانُ عَمَسَ لَأَقْ، يَنْتُمْ لَإِنْ تَدَّح

Анас ибн Моликдан эшитдим: «Неча тун ўтган бўлсин, уларда албатта, Ҳабибим соллаллоҳу алайҳи ва саламни тушимда кўряпман», деди. Анас буни айтиб кўзи ёшланар эди.

Аллоҳ таоло Муҳаммад алайҳиссаломга бўлган муҳаббатимизни зиёда қилсин!

Салмон Форсий ҳақ динни излаб умрлари сафарда, роҳиблар хизматида ўтар экан, охири замон пайғамбари чиқиб ҳижрат қиладиган шаҳари Мадина эканини эшитиб, бор-йўғларини сарф қилиб шу томонга шошилдилар. Қиёматга қадар фахр бўладиган сўз: «Салмон биздандир», деган шарафга эришдилар.

Абдуллоҳ Зулбижадайн Мадина сари йўл оларканлар, бор будларини, ҳаттоки устиларидаги либосни ҳам тортиб олишди. Фақатгина эски шолчалари бор эди холос. Шу шолчани иккига бўлиб, бирини белларига ва бошқасини елкаларига ташлаб, саҳронинг жазирамасида севикли ҳабиблари томон шошилдилар.

Табук ғазоти, «Машаққат» қўшини номини олган 30 минг кишилик мусулмон қўшини уйларига қайтмоқдалар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Бакр ва Умар тунда бир кишини дафн қилишаётган эди. Абу Бакр Сиддиқ ва Умар розияллоҳу анҳумо узатишди, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам муборак қўллари билан ушбу бахтли инсонни охириги манзилга оҳиста қўйдилар ва : " Аллоҳим! Мен бу бандангдан розиман. Сен ҳам рози бўл", дея ҳаққига дуо қилдилар.

Бу зотларнинг тезюрар уловлари ёки шу каби шароитлари йўқ эди. Аммо барчаларининг қалбида Аллоҳ ва Расулига бўлган ҳақиқий муҳаббат бор эди.

Бугун қандай ўринбосарлар қолди?! Фараз қилинг, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўша даврда эмас, ҳозир юборилганларида биз нима қилардик?! Ҳар ким ўзича фидоийликларнинг ҳар хил кўринишини санаб кетиши тайин. Бугун у зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак ҳаётларини ўрганишга “бўш вақти” йўқ инсон бўла туриб, қуруқ даъво қилишдан нима фойда бор деб ўйлайсиз?!

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга бўлган муҳаббатнинг аломатларини биламизми?

Ушбу ўринда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлган муҳаббатнинг бир қанча аломатларини келтириб ўтамиз. Сўнгра улар ҳақида батафсилроқ сўз юритамиз:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга тўлалигича итоат этиш; У зот келтирган барча нарсани лозим тутиб, у зот қайтарган ишлардан четланиш. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга итоат этиш у зотга бўлган муҳаббатнинг асосидир.

Севиқли Расулимиз саллоллоҳу алайҳи васалламини ва ҳанийф динимизни бор имконият ила муҳофаза қилиш;

Дунёдаги энг катта армонингиз Муҳаммад алайҳиссаломни кўролмайд қолганиз бўлса ва у зот алайҳиссаломни кўришни шавқу завқ ила орзу қилсангиз;

Расулимиз соллаллоҳу алайҳи васаллам билан яшаган саҳобалардан ибрат олиш;

Уларнинг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлган муҳаббатларига ҳавас қилиш.

Қиёмат куни у зот алайҳиссалом ва саҳобалар розияллоҳу анҳум билан жамланишни чин дилдан сўраш;

Мусулмон одам Муҳаммад алайҳиссаломнинг улуғликларини ҳис этолса, қалбидаги муҳаббати зиёда бўлади. Бунинг учун у зотни танишимиз лозим. У зотни таниш учун нима қилдик?

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга кечаю кундуз чиройли саловатларни кўпайтириш;

Кўп эслаш қалбдаги муҳаббатимизни зиёда қилади. У зот алайҳиссалом бизга яқин эканларини ҳис этиш. У зот алайҳиссалом бизни яхши кўрганларини ва барча яхшиликларни бизга илинганларини тафаккур қилиш.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аҳли байтларини яхши кўришимиз, у зот алайҳиссалом яхши кўрган жойлар, сўзлар, таомлар, либослар ва у зот суйган энг кичик нарсаларга ҳам муҳаббатли бўлишимиз...

Ҳаётимизнинг ҳар бир ҳолатида севиқли Расулимизнинг суннатларига эргашиш ва муборак ҳаётларини тадаббур билан чуқур ўрганиш.

Аллоҳ таоло бизларга ота-онамиздан кўра меҳрибонроқ бўлган зот Муҳаммад алайҳиссаломни ҳақиқий яхши кўришимизни насиб этсин. У зот алайҳиссалом марҳамат қилганларидек:

بِح أ ن م ع م رشحي أرم ل ن

“Киши (Қиёмат кунида) ўзи суйгани билан бирга жам қилинади”.

Ё Расулуллоҳ! Биз сизни яхши кўраимиз ва саҳобаларингизни яхши кўраимиз. Қиёмат кунида ҳам сизлар билан бирга бўлишимизни умид қиламиз...

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлган муҳаббатнинг аломатларини биламизми?

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлган муҳаббатнинг энг катта аломатларидан бири - эринчоғли-гу иштиёқ келиб турганда, қийинчили-гу енгилликда у зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ахлоқлари билан хулқланиш, одоблари билан зийнатланиш, покиза суннатларига эргашиш ва унутилган суннатларини тирилтиришдир.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у зотга шундай деган эдилар:

أ ن تردق ن إ ن ب ا ي) : - م ل س و ه ي ل ع ه ل ل ا ل ي ل ص - ه ل ل ل ل و س ر ي ل ل ا ق : ل ا ق س ن أ ن ع و م ن ك ل ذ ي ن ب ا ي : ي ل ل ا ق م ث ، ل ع ف ا ف د ح أ ل ش غ ك ب ل ق ي ف س ي ل و ي س م ت و ح ب ص ت ه ا و ر ((ة ن ج ل ا ي ف ي ع م ن ا ك ي ن ب ا ح أ ن م و ، ي ن ب ا ح أ د ق ف ي ت ن س ا ي ح أ ن م و ي ت ن س ي ذ م ر ت ل ا

“Эй, ўғилгинам! Қалбингда бирон бир кишига ғиллу ғашлик бўлмай тонг оттиришга қодир бўлсанг, шундай қил!” Анас розияллоҳу анҳу айтадилар сўнгра менга:“ Эй, ўғилгинам! Бу менинг суннатимдир. Ким менинг суннатимни тирилтирса, дарҳақиқат мени яхши кўрган бўлади. Ким мени яхши кўрса, жаннатда мен билан бирга бўлади“, дедилар.

Инсон ўзи муҳаббат қилган кишисига ўхшашни, уни ҳурсанд қиладиган ишларни қилиб, норози қиладиган амаллардан четлаша бошлайди. Биз Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўплаб суннатларидан хабардормиз. Лекин, уларнинг қанчасига амал қиляяпмиз?!

Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу айтадилар: “Илм сизга фойда бермаса, албатта, зарар беради“.

Бу фарз, бу вожиб, бу эса суннат, уни баъзан қилмаса ҳам бўлаверади, деб туриб ўрганган илмимиз зараримизга ҳужжат бўлмаяптимикиан? Саҳобалар розияллоҳу анҳумлар қандай бўлишган эди? Улар севиқли Ҳабиблари Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қилган ҳар бир амалнинг нима ҳикмати борлигини билмасаларда, у зотга изма-из эргашар эдилар.

Шайх Абдулазиз Тарифий айтадилар: “Кимнинг илми кўпайиб, амали камайган бўлса, демак, унинг нияти ва мақсади ёмон экан“.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

كس مت نم)) - : ملسو وه لعل لى لص - هل ل لوسر لاق : لاق ةريره ب أ نعو
(دي ه ش ة ئام رج أ هل ف ، يت م أ داس ف دن ع يت نس ب)

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: Кимки умматим фасодга кетганда суннатимни маҳкам тутса, унга юзта шаҳиднинг ажри бор“, дея марҳамат қилганлар. Имом Байҳақий ривояти

Фаҳш ишларнинг ошкора қилиниши, бидъат ғолиб бўлиб, илмсизлик ва гуноҳ ишлар кўпайиши фасоддир. Ана шундай пайтда бир суннатни қиламан деса, жоҳилу нодонлар унинг устидан масхара қиладилар. Унга қарши бўлиб, бир ёмонлик етказиш ҳаракатида ҳам бўла бошлайдилар. Кишининг иймонига яраша синов имтиҳон берилганидек, Севиқли Ҳабибимиз Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлган муҳаббатимиз ва у зотнинг муборак суннатларига эргашишда етадиган синов ва азиятларга кўп ҳам парво қилмаслигимиз лозим. Аллоҳ таоло қилаётган амалларимизни қабул этсин. Ҳазрати Али розияллоҳу анҳу айтадилар: “Амалларим қабул бўлган кун мен учун байрамдир“. Биз

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни кўрмай туриб иймон келтирдик. Бу Аллоҳ таолонинг фазли, албатта. Энди бу ўринбосари йўқ неъматнинг шукри Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни таниб, у зотни яхши кўриб, муборак суннатларига эргашиш билан бўлади.

Аллоҳ таоло барчаларимизни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлган муҳаббатимизни зиёда қилсин! Омин!

(Давоми бор)

Мир Араб олий мадрасаси 3-босқич талабаси Солиҳов Дилшод